

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 354-ҳадис

354 - وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَوْقُوفًا عَلَيْهِ أَنَّهُ قَالَ: ارْفِبُوا مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي أَهْلِ بَيْتِهِ رَوَاهُ الْبَحَارِيُّ . [3713]

Мәніншылдау: (ارقبوا) : رَاعُوهُ وَاحْتَرَمُوهُ وَأَكْرِمُوهُ.

354. Ибн Умар розияллоху анхумо Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху дан мавқуф ҳолатда қилган ривоятларида, у киши:

«Мұхаммад соллаллоху алайхи васалламнинг ахли байтлари риоясини қилинглар», дедилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарх: Шу мавзуга оид қуйидаги ҳадислар ҳам келган.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Аллоҳга, сизга ғизо қилиб берган неъматлари учун муҳаббат қилинг. Менга, Аллоҳнинг муҳаббати ила муҳаббат қилинглар. Менинг муҳаббатим учун ахли байтимга муҳаббат қилинг», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларига бўладиган муҳаббат ўзи бўлмаслиги, у муҳаббат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига бўлган муҳаббатга, у эса ўз навбатида Аллоҳ таолога бўлган муҳаббатга уланиб кетиши ҳақида сўз кетмоқда.

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

**«Сизга аҳли байтингиздан қай бирлари маҳбуброқ?» деб сўралди.
Бас, у зот:**

«Ҳасан ва Ҳусайн», дедилар.

У зот Фотимага:

«Менга ўғилларимни чақириб қўй!» дер эдилар ва иккиларини хидлаб, бағриларига босар эдилар».

Термизий ривоят қилган.

Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг аҳли байтлари қанчалик улуғ мақомга эга эканини ўтган ҳадиси шарифлардан билиб олдик. Ўша улуғ мақом соҳиблари ичидан у зотга энг маҳбублари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн розияллоҳу анхумо экани уларнинг фазилатлари олий даражада эканига далолатdir. Бу олий даражага иккиларидан бошқа инсон боласи сазовор бўла олмаслигини таъкидлаб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Манба: hadis.islom.uz



